



ХОЖА МУҲАММАД ПОРСО АСАРЛАРИНИНГ ИСМОИЛХОН ФАҚИРИЙ-ШАҲРИСАБЗИЙ ИЖОДИГА ТАЪСИРИ

Масъудхон Исмоилов

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
доценти, тарих фанлари номзоди
<https://doi.org/10.5281/zenodo.11526759>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 01-June 2024 yil
Ma'qullandi: 04- June 2024 yil
Nashr qilindi: 08- June 2024 yil

KEYWORDS

тасаввуф, Нақибандия,
қўлёмалар, Хожа Муҳаммад
Порсо, сулаймонийя, калом
илми, араб ва форс
адабиёти, география,
биография, ҳадис илми,
тафсир илми, фикҳ, қуръон
илмлари.

ABSTRACT

Мақолада Хожа Муҳаммад Порсо асарларининг
Исмоилхон Фақирӣй-Шаҳрисабзий ижодига таъсири
ҳақида маълумотлар баён қилинган.

Ўрта асрларда Кеш (Шаҳрисабз) шаҳри Буюк ипак йўлидаги манзиллардан эди. Олимларининг илму маърифати баландлиги сабабли бу маскан «Қуббат ал-илм вал-адаб» («Илму адаб чўққиси») номи билан машҳур бўлган. Мазкур минтақа маданий муҳитида шоирлар алоҳида ўрин тутган. Шаҳрисабздан Ҳиндистонга кетган туркий қавмларнинг авлодларидан Амир Ҳусрав Деҳлавий (1253-1325), Мирзо Абдулқодир Бедил (1644-1721) каби шоирлар етишиб чиққанлар.

XV-XIX асрларда эса унда Айюб Шаҳрисабзий ибн Абулбарака, Лозимий-Кеший, Назими-Кеший, Хаким Шаҳрисабзий, Фарах Шаҳрисабзий каби адиблар яшаб ижод этганлар.

XIX аср охири XX аср бошларида ҳам Шаҳрисабзда туғилиб, шу ерда умргузаронлик қилган бир неча шоирлар, адибу фозиллар бўлган. Улар сирасига Мирзо Умрбоқий Шаҳрисабзий-Самарқандий (1878-1957), Файзуллоҳхўжа Равнақий (1892-1978), Исмоилхон Фақирӣй-Шаҳрисабзий (1910-1980), Абдуллоҳ Гулшаний (1898-1978), Нажмиддинхон Асирий (Нажотий) (1917-1978), Салоҳиддин Маннон ўғли- Солиҳий (1905-1977) кабиларни киритиш мумкин. Ушбу ижодкорлар ўзбек мумтоз адабиёти анъаналарини Шаҳрисабз муҳитида давом эттирганлар.

Исмоилхон Иброҳимхон ўғли Фақирӣй-Шаҳрисабзий ҳам ана шу қадимий шаҳарда ҳижрий 1328, милодий 1910 йилда зиёли оиласида таваллуд топганлар. «Фақирӣй» у кишининг адабий тахаллуси бўлиб, шоирнинг ота-боболари

маърифатли, олим кишилар эканлиги манбаларда қайд қилинган. Уларнинг катта бобоси Миракшоҳхужа Бухоро ҳукмдори Абдулазизхон Иккинчининг (1645-1680) фармонига биноан ўша пайтда хонликнинг бир вилояти хисобланган Балх шаҳрининг қозикалони этиб тайинланган. Шу сабабли Миракшоҳ оиласи билан Самарқанддан Балхга кўчиб кетади.

XIX асрнинг қирқинчи йилларида шу авлоддан бўлмиш Мирзо Азизуллоҳхожа ўзининг тариқатдаги пири халифа Абдулкарим билан бирга Мовароуннаҳр тупроғига ўтиб, халқни иршод қилиб, ҳидоятга даъват этадилар. Азизуллоҳхожа бу вилоят халқининг пешвосига айланиб, Мирзо Калон Хожа номи билан машҳур бўлиб кетади.

Азизуллоҳхожанинг Иноятуллоҳхўжа ва Ҳидоятуллоҳхўжа исмли ўғиллари бўлиб, улар ҳам бошқа қариндошлари каби илм-маърифатли кишилар бўлишган. Бу зотларнинг ҳар иккаласи ҳам Исмоилхон Фақирийга бобо бўлганлар.

Фақирийнинг отаси Иброҳимхон Ҳидоятуллоҳхўжа ўғли (1887-1914) ёш бўлишига қарамай, бир пайтнинг ўзида бир нечта вазифада фаолият олиб борган: Мирзо Улуғбек томонидан 1432-1436 йилларда қурдирилган Шаҳрисабз «Дор ат-тиловат» жомеъ масжидида имом-хатиб, Мадраса мударриси ва Бухоро амирининг Шаҳрисабздаги вакили - ўроқ лавозимларида ишлаган. Иброҳимхон амакиси - Шаҳрисабз муфтийси Иноятуллоҳхўжанинг қизи Биби Мушаррафага уйланган, улардан Исмоилхон дунёга келганлар.

Фақирийнинг оналари ҳам Маҳзуна тахаллуси билан ғазаллар ижод этган. Тоғалари Шукруллоҳхўжа Қонё, Файзуллоҳхўжа Равнақий (Рамзий) каби зотлар ўша даврда ёзилган тазкираларда Шаҳрисабзлик шоирлар сифатида қайд қилинган. Жумладан, Бухоро амирлигининг сунгги қозикалони, атоқли маърифатпарвар Садри Зиё (1867-1938) ўзининг «Рўзнома»сида Фақирийнинг боболари Иноятуллоҳхўжанинг ижодидан намуналар келтириб, улар ўзаро дўст бўлишганини ёзиб қолдирган.

Оиладаги етук маърифатли кишилар тарбиясида улғайган Фақирий, замонанинг нотинчлигига қарамасдан, таълим олишни тўхтатмаган. Шоирнинг замондошлари ҳикоя қилишича, у киши ўттизинчи йилларнинг қатағонлари хавф солиб турган вазиятда ҳам Сурхондарёга қатнаб, Мулло Донодан дарс олиб турган.

Қирқинчи йиллар охирларида Фақирий уша пайтда анча машҳур бўлган нақшбандия шайхи Каттахўжа Даҳбедийга (1870-1969) мурид бўлган. Маҳдуми Аъзам (1461-1542) авлодидан бўлган бу зот ҳам Музний тахаллуси билан ғазаллар битган.

Фақирий 1960 йилда Каттахўжа Даҳбедийдан иршод қоғозини олиб, нақшбандия тариқати силсиласини давом эттирувчи муршид - пири комил сифатида муридларга тасаввуф таълимотларини ўргатишни бошлаганлар.

Фақирий нақшбандия тариқати анъаналарини давом эттириб, Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаларида яшовчи бир гуруҳ муридларига тасаввуф сирлари,

тариқат таълимотлари, ўтган пири комилларнинг ўғитларидан таълим берганлар.

Фақирий ўзига замондош шайхлар, адибу шоирлар билан яқин илмий алоқада бўлган. Жумладан, Шахрисабзлик Ҳожи Махдум Ҳамидуддин Ҳамидий (1876-1952), Файзуллохўжа Равнақий (1894-1978), қамшилиқ қори Абдуллоҳ Гулшаний (1898-1978), деновлик шайх Миён Бўритош (1921-1999), душанбелик машҳур олимлар Домла Ҳиндистоний (1892-1990) ва қози Абдуррашид (1885-1980) ҳамда тошкентлик машҳур шоир Зокиржон Ҳабибий (1890-1980) каби маърифатпарварлар билан учрашувлар, суҳбатларнинг давомий бўлиб туриши Фақирийга маънавий куч-қувват бахш этган.

Мазкур шахслар билан Фақирийнинг узаро ёзишмалари адибнинг шахсий кутубхонасидаги «Мутафарриқот» деб номланувчи 400 вараққа яқин ҳажмга эга бўлган тўпламида жамланган. Бу тўплам асосини шоирнинг фикрдош устоз ва дўстридан бири, ўз замонасининг тенгсиз олими, қўшни

Хўжаимкана қишлоғида яшаб ўтган Мирзо Камол Домла (1884-1975) билан бўлган ёзишмалар ташкил этади. Ёзишмалар фикҳий, тасаввуфий, тарихий, адабий мавзулардаги масалалардан, савол-жавоблардан иборат.

Лекин Фақирийнинг энг яқин сирдошларн оналари Биби Мушаррафа Иноятуллохўжа қизи - Маҳзуна ҳамда укалари Нажмиддинхон Нажотий (Асирий) эдилар. Уларнинг вафотларидан (1978 йил) кейин шундоқ ҳам шўролар ҳокимиятининг тазйиқларидан эзилган, умрининг охириги йиларида кўзи ожиз бўлиб қолган Фақирий янада қийналиб, маънавий изтироблар комида қолган эдилар. Бунини шоир девонидаги қуйидати мисралар баён қилиб туради:

Дар ғарибӣ нола кардам, ҳеч кас ёдам накард,

Дар қафас жон додаму сайёд озодам накард.

Яъни, ғарибликда, ёлғизликда оҳу нола қилсам-да, ҳеч ким мени эсламади, бир тутқун қуш қабсда жон берсам ҳам овчи мени озод қилмади.

Фақирий умрининг охиригача Китоб тумани Сариосиё қишлоғида яшаб, 1980 йил 4 январ куни вафот этдилар. Бу зотнинг қабрлари шу қишлоқнинг Катта қабристондадир. Аллоҳ таоло раҳмат айлаб, қабрларини мунаввар қилиб. жаннатларининг энг аъло маконларидан у зотга маскан қилиб берсин.

Фақирий ўзбек ва форс-тожик тилларида ижод қилган зуллисонайн шоирдир. Бундан ташқари у киши араб ва рус тилларини ҳам яхши билганлар. Шоирнинг «Двон», «Баёз», «Ашъори мутафарриқот» каби шеърӣ тўплamlари, шайх сифатида ёзиб қолдирган «Рисолаи тариқи зикр», «Рисолаи тариқат», «Тариқи сулук» номли тасаввуфӣ рисолалари ҳамда дуохонлик, тиббиётга бағишланган «Китоби адъийа мин мужарработи Халили Ихвон» («Халил Ихвон (Фақирӣ) томонидан тажриба қилинган дуолар китоби») деб номланган асарлари ҳозирги кунда фарзандлари қўлидаги шахсий

кутубхонада сақланади. Кутубхонада яна элликка яқин қўлёзма ва юздан ортик тошбосма асарлар мавжуд.¹

Баъзи ноёб асарларни ўзида жамлаган бу кутубхонани 1999 йилдаги илмий сафарларимиздан бирида ўрганиб, илмий муомалага киритган эдик. Ўшанда Фақирий ижодларидан айрим асарларни нашр қилиш ғояси туғилган эди. Аллоҳга шукрки, ўша ниятларимизни амалга оширишга муваффақ бўлиб турибмиз.

2004 йили “Адолат” нашриётида Фақирий ҳазратларининг меросидан намуна ва сайланма сифатида “Баёзи Фақирий” китобини чоп эттирдик. Китобга алломанинг туркий-ўзбекча ва форс-тожикча ижод намуналари ҳамда Нақшбандия тариқатига оид “Тариқай сулук” асари киритилган.

Олимнинг шайх сифатида ёзиб қолдирган «Рисолаи тариқи зикр», «Рисолаи тариқат», «Тариқай сулук» номли тасаввуфий рисолаларида Нақшбандия тариқати ғояларини баён қилинади. Бу асарлар машҳур нақшбандий олимларининг асарларига уйғун тарзда ёзилган. Шулардан бири Хожа Муҳаммад Порсодир.

Хожа Муҳаммад Порсо тасаввуф таълимотининг назариётчиларидан бири, Хожагон-нақшбандия тариқатининг йирик вакили бўлиб, тўлиқ исми Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Ҳофизий ал-Бухорий (1349–1420) Бухорода туғилган, мадрасаларда ўқиб, Қуръон, ҳадис, калом каби турли диний илмларни чуқур ўрганиб, замонасининг забардаст олимларидан бири бўлиб етишган ва Баҳоуддин Нақшбанддан сўнг Марказий Осиёда нақшбандия оқимининг энг йирик вакили ҳамда тарғиботчиси сифатида машҳур бўлган.²

Хожа Муҳаммад Порсо тафсир, ҳадис, тасаввуф, калом, география, адабиёт, тарих, фикҳ каби соҳаларда ҳам моҳир олим бўлиб, у ёзган ортик асарлардан қирқтага яқин номдаги асар бизгача етиб келган. Хожа Муҳаммад Порсо қаламига мансуб асарларни шартли равишда қуйидагича гуруҳлаш мумкин: Қуръоний илмлар туркуми, тафсир илмига оид асарлар, ҳадис илмига оид асарлар, калом илмига оид асарлар, усули фикҳ, фикҳ, тасаввуфий асарлар, адабиёт, биография, тарих ва география билимлари соҳаси.

Мазкур соҳаларга мансуб асарларнинг аксарияти Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида ҳам сақланади.

Тафсир илмига оид асарлар. Бу гуруҳга муаллифнинг ўз дастхатида битилган ягона нусхадаги нодир асар «Тафсири Хожа Муҳаммад Порсо»³, шунингдек, “Тафсир сурат ал-Фатиха”, “Таржума ва тафсири суvari ас-самоийя” кабилар киради ва уларнинг барчаси форс тилида ёзилган.

Ҳадисилмига оид асарлар туркумига ҳадис олимлари биографиясига бағишланган “Рисола фи силсилат ал-машойих ал-муҳаддисин” асарини, “Шарҳ ҳадис

¹ Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. – Ж: IX. – Тошкент, 2005. – Б. 213.

² Абдурахмон Жомий. Нафоҳот ал-унс.; Фахруддин Али Сафий. Рашаҳот ан айн ал-ҳаёт. — Тошкент, 2003. — Б. 85.

³ Қаранг: Хожа Муҳаммад Порсо. Тафсири Қуръон. – ЎЗР ФА ШИ қўлёзмаси, №2180. — 237 в.

ал-Уқайлий — Шарҳи ҳадиси кана” ҳамда «Ал-ҳадис ал-арбаъун»⁴ кабиларни киритиш мумкин. Бу охириги асарда муаллиф ўз устодлари орқали ривоят қилган нодир 40 та ҳадисни танлаб олган ва форсий таржимасини ҳам берган. Ҳадис илмига оид асар ҳам форс тилида ёзилган.

Калом илмига оид асарлар. Порсонинг шариат ва тариқат масалаларига бағишланган ва унга катта шуҳрат келтирган асари «Фасл ул-хитоб би-вусули-л-аҳбоб» («Дўстлар висолига еташда оқ ила қорани ажратувчи китоб») номли асаридир⁵. Катта ҳажмга эга бўлган бу китоб ислом уламолари орасида қўлланма сифатида фойдаланилган. Асар бир неча марта чоп этилган⁶. Асар 494 та масалага бағишланган бўлиб, бу масалаларнинг ҳаммаси исломда баҳсли ҳисобланган ва Порсо бу масалаларни турли асарларга суянган ҳолда ечиб берган. «Фасл ул-хитоб» муаллифнинг асосий асарларидан биридир.

“Шарҳу “Фусус ал-ҳикам”, форс тилида ёзилган.⁷ Асар машҳур мутасаввиф Муҳйиддин ибн ал-Арабийнинг тасаввуфнинг назарий масалаларига бағишланган “Фусус ал-ҳикам” номли асарининг шарҳига бағишланган.

“Рисола фил эътиқод вал-амал вал-ахлоқ”, «Эътиқодот»⁸, «Ҳафтоду се фирқа»⁹, «Муқаддима ли-жомиъ ул-калим»¹⁰ кабилар ҳамкалом илмига оид асарлардир.

Қуръон илмлари туркумига араб тилида ёзилган “Рисола фи ал-мийм вукуф ал-Қуръан”, “Лавозим ул-вақф” рисолалари мансубдир.

Усули фикҳ масалаларидан баҳс этувчи “Рисола фил-интисор ли-соҳиб “ат-Тавзиҳ” асари араб тилида ёзилган.

Фикҳ мавзусига оид асарлар гуруҳига араб тилида ёзилган “Рисола фи усул ад-дин ва фурузиҳи ва важибатиҳи”, “Ғулар ал-афкор шарҳу “Дулар ал-биҳор” ҳамда форс тилида ёзилган “Рисола дар нийат-и намоз”, “Маносик-и ҳаж”, “Шарҳи “Фикҳи Кайдоний”¹¹ кабилар киради ва улар Ҳанафий мазҳаби фикҳига оид асарлардир.

Тасаввуфий асарлар орасида Хожа Муҳаммад Порсонинг энг катта асарларидан бири «Таҳқиқот»¹² бўлиб, унда тасаввуфнинг назарий масалаларини очиб беришга бағишланган. Муҳаммад Порсонинг «Рисолаи қудсия» асари Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг қудсий калималарини шарҳлашга бағишланган.

⁴Қаранг: Хожа Муҳаммад Порсо. ал-Ҳадис ал-арбаъун – ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, №8825/IV.

⁵ Қаранг: Хожа Муҳаммад Порсо. Фасл ал-хитоб. — Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинаси (Бундан кейин – ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси), 3133; 11605; 4335; 1450; 5766; 584; 2238; 1449; 11682; 3188; 5547; 5546; 522/VI.

⁶Хожа Муҳаммад Порсо. Фасл ал-хитоб. — Тошкент, Ғулом Хасан Орифжонов нашриёти. (санасиз)

⁷Қаранг: Хожа Муҳаммад Порсо. Шарҳи “Фусус ал-ҳикам”. – Шарҳу фусус ал-ҳикам. Истанбул, Сулаймония кутубхонаси, №01366—002, Шаҳид Али Пошо бўлими.

⁸Қаранг: Хожа Муҳаммад Порсо. Эътиқодот. – ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, №3844/ III. — 22 в.

⁹Қаранг: Хожа Муҳаммад Порсо. Ҳафтоду се фирқа. – ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, № 10870/III. — 21 в.

¹⁰Қаранг: Хожа Муҳаммад Порсо. Мақомоти жомиъул калим. – ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, № 3039/III. — 3 в.

¹¹Қаранг: Хожа Муҳаммад Порсо. Шарҳи фикҳи Кайдоний. – ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, № 4846/II. — 70 в.

¹²Қаранг: Хожа Муҳаммад Порсо. Таҳқиқот. – ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, 10991; 1411; 5465; 7775; 3412;502/XVIII.

Тасаввуфнинг назарий масалаларига оид асарлар Хожа Муҳаммад Порсо илмий меросининг асосий қисмини ташкил қилади ва уларнинг аксари форс тилида ёзилган. Масалан, «Аз анфози қудсияи машойихи тариқат», «Рисолаи кашфия», «Мактуби Хожа Муҳаммад Порсо ба Мавлоно Зайнуддин»¹³, «Рисола дар одоби мурид»¹⁴, «Рисолаи маҳбубия»¹⁵, «Рисолаи қудсийя васоё сулуки машойих»¹⁶, «Рисол-и тариқат-и Хожагон — Рисола физ-зикр», «Суханон-и Хожа Порсо», «Рисола фит-тасаввуф», «Мактуб», «Рисолат ал-ҳақоик», «Қавл фил-ажвиба ҳазихи ал-асилат ал-мурсала мин Ҳирот ила Бухоро» каби асарлар.

Булардан ташқари «ал-Фусул ас-ситта»¹⁷, «Рисола-и вужуд» таржимаси» каби асарлар араб тилида ёзилган.

Адабиёт соҳасида Муҳаммад Порсонинг «Муншаот», «Таржума-и баъз-и аз «Наср ул-лаолий», «Шарҳу ар-Рисола ар рамизат аш-шафия фил-аруз» каби араб тилида ёзилган, араб адабиётига бағишланган асарларини санаш мумкин. Аммо кейинги икки асар Хожа Муҳаммад Порсонинг ғазалларидан тузилган девонлари бўлиб, мутасаввиф олимнинг шоир сифатидаги ҳали кўпчиликка номаълум қиррасини кашф этишга сабаб бўлади. Бу икки девон «Хутба-и дивони уло — дебоча-и девони аввал» ва «Дивон-и соний» деб номланган ва уларфорс тилида ёзилган.

Биография туркумига «Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд»¹⁸, «Рисолаи дар баёни баъзи аз калимоти Баҳоуддин Нақшбанд», «Маноқиби ҳазрати Хожа Баҳоуддин ан-Нақшбандий», «Мақомоти Хожа Алоуддин Аттор»¹⁹, «Рисолаи силсилаи Хожагон» сингари рисолаларни киритиш мумкин ва улар форс тилида ёзилган.

Хожа Муҳаммад Порсонинг «Мухтасар тарихи Макка»²⁰ рисоласи **тарих илмига** ҳамда «Рисола фил-мазорот» асари географияга мавзусига мансубдир, дейиш мумкин.

Ҳозирча юқорида санаб ўтилган Хожа Муҳаммад Порсонинг қаламига мансуб асарларнинг барчаси бизгача етиб келганлиги ва уларнинг Тошкент, Истанбул ва Техроншаҳарларидаги кутубхона фондларида икки юзга яқин нусхада сақланиши аниқланди. Бу ҳолат Нақшбандия таълимотини ўз асарларида илмий жиҳатдан асослаб берган Хожа Муҳаммад Порсо илмий меросининг Марказий Осиё халқлари маданий тарихидаги ўрни анча салмоқли бўлганлигини, унинг асарларидан кейинги авлод олимлари ва мутасаввифлари унумли фойдаланганлигини кўрсатади. Жумладан,

¹³Қаранг: Хожа Муҳаммад Порсо. Мактуби Хожа Муҳаммад Порсо ба Мавлоно Зайнуддин. – ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, № 3100/XV. — 1 в.

¹⁴Қаранг: Хожа Муҳаммад Порсо. Рисола дар одоби мурийд. – ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, № 2520/IV. — 3 в.

¹⁵Қаранг: Хожа Муҳаммад Порсо. Рисолаи маҳбубийя. – ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, 11067/I; 3844/II 84/II; 8825/V

¹⁶Қаранг: Хожа Муҳаммад Порсо. Рисолаи қудсийя ва васоё ва сулуки машойих. – ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, №5501/I. — 32 в.

¹⁷Қаранг: Хожа Муҳаммад Порсо. Фусул ас-ситта. – ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, №3051. — 32 в.

¹⁸Қаранг: Хожа Муҳаммад Порсо. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. – ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, №2520/I. — 52 в.

¹⁹Қаранг: Хожа Муҳаммад Порсо. Мақомоти Хожа Алоуддин Аттор. – ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, №2520/II. — 13 в.

²⁰ Қаранг: Хожа Муҳаммад Порсо. Мухтасар тарихи Макка. – ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, №3844/IV. — 9 в.

кейинги давр муаллифларидан Абдурраҳмон Жомий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Али Сафий, Шайх Худойдод, Тохир Эшон каби мутасаввифлар ўз асарларини ёзишда Порсо илмий меросига мурожаат қилишган. Бу эса Хожа Муҳаммад Порсо илмий меросининг Марказий Осиё халқларининг маданий ва маънавий ҳаётида асрлар оша ўз ўрнига эга бўлиб келганлигини кўрсатади.

Юқорида айтилганидек, ҳатто XX аср охирларида вафот этган нақшбандия тариқатининг муршиди, шоир ва олим Исмоилхон Фақирий ҳам тасаввуфга бағишланган илмий асарларида Хожа Муҳаммад Порсонинг асарларидан иқтибослар келтирган.

Жумладан, «Тариқаи сулук» рисоласида Фақирий бундай ёзганлар: *“Маънан имон “эмин ва амон”дур. “Фасл ал-хитоб”да айтур: “Асли имон ҳаёт ал-қулубдур. Ҳаёт деб тирикни айтурлар.*

Иймонга беш мурсал пайғамбар мутасаддий бўлдилар: аввал Одам Сафийуллоҳ “қалб”га мутасаддий бўлдилар; Иброҳим Халилуллоҳ “зикри руҳ”га мутасаддий бўлдилар; Мусо Калимуллоҳ “сир”га мутасаддий бўлдилар; Исо Рухуллоҳ эса “зикри хафий”га мутасаддий бўлдилар ва Муҳаммад Мустафо солаллоҳу алайҳи васаллам “зикри ахф”га мутасаддий бўлдилар”. Бу зикрларнинг ҳам нури бордур”²¹.

Кейинги сатрларда Исмоилхон Фақирий ҳазратлари ҳар бир латифадага нурларнинг ранглари, қалбнинг тирилиши, *воридот, иймон, ислом, тариқат пирининг сифатлари, нафйи исбот, мулоқабат, ҳол, мақом* каби тасаввуфий тушунчаларни шарҳлаганлар.

Умуман, Исмоилхон Фақирий-Шаҳрисабзий ижоди ва Хожа Муҳаммад Порсо илмий меросини ўрганиш нафақат Нақшбандия тариқати асослари, балки умуман, тасаввуф таълимотининг асл моҳиятини янада чуқурроқ ўрганишимиз учун имкон беради.

Мақола сўнгида Фақирий ижодидан бир ғазални ҳам илова қилинади.

Доруломондур Шаҳрисабз

*Маърифат даврида турфа комрондур Шаҳрисабз,
Бу сабабдиндурки, машхури жаҳондур Шаҳрисабз.
Дилкашу ҳам хушхаво, сермеваю сероб ҳам,
Кўҳна тарихийлиги бирла аёндур Шаҳрисабз.
Эски номи Кеш эрур, тутган жаҳонни шухрати,
Аҳли фазлу аҳли донишга макондур Шаҳрисабз.
Бедили кони маъоний наслидур, бу шаҳри дин,
Ҳам мураббийи Темур Соҳибқирондур Шаҳрисабз.
Оқ Саройу Ҳазрати Шайх дахмасию Гунбази —
Ул Амир Темур замонидин нишондур Шаҳрисабз.
Кичкина балда экан, деб муддаий айб этмасун,
Қиймати олтун ва ё дурдек калондур Шаҳрисабз.
Бо тавозуъ, боадаб хулқи ҳама ёшу қари,
Ҳам неча Бобил сифатга ошиёндур Шаҳрисабз.*

²¹ Қаранг: Исмоилхон Фақирий. Баёзи Фақирий.— Тошкент: Адолат, 2004. — Б.171.

*Эскидан халқи ҳама деҳқону аҳли касбдур,
Бу замон, айниқса, оқ олтунга кондур Шаҳрисабз.
Халқи осойиштаю тинчу ҳамиша шодмон,
Бу замонда турфа бир доруломондур Шаҳрисабз.
Боғларин жаннат мисолидур, десам айб ўлмағай,
Чунки илму фан туфайли кордондур Шаҳрисабз.
Бул диёрдин халқлари пайваста миннатдордур,
Чунки мен ожиз Фақирийга макондур Шаҳрисабз.*



INNOVATIVE
ACADEMY